

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 657

Бабажанов Артикбой

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ

**Ихтисослик: 08.00.08 «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий
таҳлил ва аудит»**

**Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш
учун ёзилган илмий маъруза шаклидаги**

ДИССЕРТАЦИЯ

Тошкент-2007

657.02(043.3)

Диссертация Тошкент Давлат Иқтисодий Университети "Бухгалтерия хисоби" кафедрасида бажарилган

Расмий оппонентлар:

иқтисод фанлари доктори.

Уталиш Аҳмадиёв

профессор А.К.Ибрагимов

Олеговий соловьев

иқтисод фанлари доктори.

сек, бокт, узоқ

профессор Б.А.Хасанов

улар ва келадиган

изда муваффақият

иқтисод фанлари доктори,

лар тиласи

З.Т.Маматов

Етақчи муассаса: 06.01.07

Ўзбекистон Республикаси

Молия вазирлиги

150

Илмий маъруза 2007 йил "09" фев соат 15 да Ўзбекистон Республикаси Банк Молия Академияси хузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасининг химояси бўйича Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг йиғилишида химоя қилинади.

Манзил 700000, Тошкент шаҳар Х.Орипов кўчаси, 16 уй мажлислар зали. Илмий маъруза билан Ўзбекистон Республикаси Банк-Молия Академиясининг кутубхонасида танилиш мумкин.

Илмий маъруза 2007 йил "05" апр да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг
илмий котиби., и. ф. н., доцент

7.11.07

Ф.Мирзаев

I. Илмий изланишнинг умумий тавсифи

Тадқиқот йўналишининг долзарблиги. Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашиб бориши ва унинг жаҳон иқтисодий тизимига тобора уйғунлашуви мавжуд қонунчилик асосини доимий равишда такомиллаштириб, уни халқаро меъёрлар ҳамда стандартларга мослаштириб боришни тақозо қилади.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Иқтисодий ислохотни амалга оширишнинг асосий нукталаридан бири бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини яратишдан иборатдир. Аввал бошданоқ биз ўзимиз учун муҳим сабоқ чиқариб олдик - зарур ҳуқуқий омилни шакллантирмасдан туриб, тегишли қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилмасдан туриб, ислохотларни амалга оширишнинг ишончли кафолатини, ислохотларни орқага чекинмаслигининг кафолатини амалда яратиб бўлмайди»¹. Ушбу башоратлар ҳозирги кунда ўзининг долзарблигини яққол намоён қилмоқда ва биз учун дастури амал бўлиб келмоқда.

Ҳозирги даврда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ва юридик мустақиллиги кафолатланган шароитда барқарор молиявий фаолият қўсагишлари учун уларни оқилона бошқариш, ресурслардан самарали фойдаланиш, ҳисоблашишларни амалга ошириш, ҳисобни юритишни бозор иқтисодиётининг талабларига мослаштириш молиявий ҳисоботни ўз вақтида туғри, ишончли тузиш, моддий, меҳнат ҳамда молиявий ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда ҳўжалик фаолиятини юритиш, натижада юқори даражада фойда олиб давлат бюджети, таъминотчилар, инвесторлар, кредиторлар ва ўзининг ходимлари олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида, тўлиқ бажариш учун старли захираларни ташкил этиш давримизнинг энг долзарб вазифаларида ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, бухгалтерия ҳисобини, хусусан, молиявий ҳисоб ва ҳисоботни бозор талаблари асосида ташкил этиш бугунги куннинг долзарб масалалари қаторига қўтарилди.

Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда бухгалтерия ҳисобининг олдига тезкорлик билан бажариш учун бир қатор муаммолар қўйилдики, уларни ечиш борасида кейинги йилларда тегишли қонунлар, Низомлар ва стандартлар

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.; «Ўзбекистон». 1995 й. 29-б.

қабул қилинди. Хусусан, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» (1996й), «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги қонун (2000 й), «Махсулот, (иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида» Низом (1999 й), «Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари» (1998-2005 й) ишлаб чиқилди ва қабул қилинди ҳамда амалиётга жорий қилинмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида субъектни бошқаришнинг муҳим дастаги бўлган бухгалтерия ҳисобининг роли беқиёс даражада ортиб бормоқда. Бинобарин, замонавий бухгалтерия ҳисоби субъект фаолиятининг тезкор ва истикболли бошқарилишида асосий ўринлардан бирини эгаллаши, халқаро стандартлар талабларига тўлиқ жавоб бериши, фаолиятнинг самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлаши унинг халқаро «бизнес тили» бўлишини тақозо қилади.

Бухгалтерия ҳисоби тизимининг долзарб ва истикболли йўналишларидан бири бўлган ва унинг таркибий қисми ҳисобланган молиявий ҳисоб халқаро стандартлар ҳамда ривожланган давлатларнинг ҳисоб юритиш борасидаги амалиётини чуқур ўрганиш, миллий стандартларни ишлаб чиқиш, уларни амалиётга жорий қилиш, шунингдек, уни янада ривожлантиришнинг назарий-услубий масалаларига бағишланган.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун ва бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда бухгалтерия ҳисоби тизимидан молиявий ҳисобни ажратиб чиқариш ва уни мустақил фан даражасига кўтариш масаласи қўйилди. Ушбу долзарб муаммони ечиш борасида муаллиф томонидан «Молиявий ҳисоб» дарслиги яратилиб, унда шу фаннинг назарий масалалари, объекти, услуби ёритилган. Бу билан биз ушбу фанни яратишда мутлоқ муаллифлик ҳуқуқига эгамиз деган фикрдан анча узоқмиз. Чунки биздан олдин ҳам бир катор олимлар бухгалтерия ҳисобининг назарий ва услубий асосларини яратиш ҳамда такомиллаштиришда ўзларининг катта хиссаларини қўшганлар.

Булар қаторига хорижлик иқтисодчи олимлардан Айнсворс Р., Аксененко А., Безруких В., Гаррисон Ч., Диснес Д., Зиммерман Ж., Карбышев Д., Козлова А., Кондраков Н., Корренбау М., Моргулис А., Морсе Д., Мюллендорф Р., Новиченко